



Бутунжаҳон ҳалол озик-овкатлар бозорининг умумий ҳажми бугунги кунда 2 триллион АКШ долларини ташкил этмоқда. Шундан 700 миллиард АКШ долларига тенг қисми мусулмон мамлакатларга тўғри келмоқда. Бу ҳақида Исломиё савдо ва саноат палатаси (ICCI) Истанбул шаҳрида бўлиб ўтган 20-сессияси доирасида маълум қилган.

ICCI сессияси давомида, бошқа масалалар каторида, ҳалол озик-овкат маҳсулотлари ва уларнинг мусулмонлар учун аҳамияти ҳақида ўзаро фикр алмашув ва баҳс-мунозаралар бўлиб ўтди. Жумладан, тадбир иштирокчилари ҳалол маҳсулотларни тайёрлаш ва ишлаб чиқаришни сертификатлаш масаласини ҳам атрофлича кўриб чиққанлар. Ҳалол маҳсулотларга доир савдо белгиларини қабул қилиш ва уларни муҳофаза қилиш масаласи ҳам сессия кун тартибидан жой олди. Тадбир яқунлари бўйича ICCI'нинг Истанбул тавсиялари қабул қилинган. Катнашчилар палата Ассамблеяси ва Бошқарув кенгашининг навбатдаги ҳар йиллик мажлисини кейинги йил апрель ойида Угандада ўтказишга қелишиб олдилар.